

Доғий домла



17:00 / 04.08.2022 2957

Мулла Йўлдошхўжа (Доғий) 1880 йил Наманган шаҳри, Чуқур кўча даҳаси, «Чинор» маҳалласи (ҳозирги «Кўзагарлик» кўчаси)да Отахўжа эшон хонадонида таваллуд топди. Қиблагоҳи деҳқончилик билан шуғулланиб, оила тебратган, аҳли илм, аҳли фазлларни ўзига дўст тутган ибодатгўй, тақводор киши бўлган.

1890-1892 йиллари мавлоно Йўлдошхўжанинг ҳаётида оғир ва синовли кунлар бошланди. Аввалига волидаи муҳтарамасидан, сўнгра падари бузрукворидан айрилган ҳазрат мавлоно дастлаб, ўша пайтдаги йирик бойлардан Қодирхонбой эшигида хизмат қилди. Бой унга оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, илм таҳсил қилмоғи учун имконият яратиб берди. Аввалига бошланғич эски тартибдаги мактабда, кейинроқ Наманган мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди.

Фикҳ, тафсир, ақоид фанларини мукамал ўзлаштирди.

Мулла Йўлдошхўжанинг ўғиллари Ҳошимхўжа ака оталаридан эшитганларини шундай хотирлайдилар:

«Отам раҳматли эски мактабда ўқиб юрган кезлари атоқли шоир «Нодим Намангоний» ўғли Мусалламхон тўра билан бирга ўқиб, дўстлашади. Бу дўстлик умрларининг охиригача давом этади. Мусалламхон тўра кейинчалик «Унвон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида кўпгина шеърлар ёзганлар. У киши фасих тилли, хушсуҳбат эди.

Қиблагоҳимиз ёш ўспиринлик пайтларида Нодим хонадонига тез-тез бориб турар, унда бўладиган шеърӣ мунозара, мушоираларни диққат билан тинглар эдилар. Бир куни ўзлари машқ қилиб юрган бир-икки шеърни Нодимга ўқиб берадилар. Суҳбат асносида ҳозир бўлган шоир мулла Йўлдош Хилватий 15 ёшли отамизнинг шеърларига юксак баҳо бериб, истиқболларига яхши тилак билдиради ва у кишига «Доғӣй» деб тахаллус беришни тавсия қиладилар. Бу суҳбатдан сўнг менда шеърӣятга бўлган муҳаббат янада ортди» дея кўп эслардилар».

Доғӣй домла кейинчалик, касбу камолот қилиш мақсадида тикувчига шогирд тушади. Бу касбни мукамал эгаллагач, Ўш шаҳрида тикувчилик дўконини очиб, Ўш, Ўзганд, Жалолобод шаҳарларида ўн йил мобайнида тўн савдоси билан шуғулланади. Наманганга қайтгач, ўз ҳаётини шеърӣятга бағишлайди. Тинимсиз мутолаа натижасида яхшигина шоир бўлиб етишади. Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Нодира, Муқимий, Убайдий, Риёзий, Зебо, Рожий сингари кўплаб шоирларнинг ғазалларига «Доғӣй» тахаллуси билан гўзал мухаммаслар басталади.

Шунингдек, замонасининг етук олимлари бўлган Ғозихон тўра, Яҳёхон тўра ва мулла Акбарали Охунд қори кабилардан тасаввуф сирларини ўрганган эди. Доғӣйнинг шеърӣяти билан танишар экансиз, унда сўфиёна солиқларга хос тарзда ўзини маломат қилиш ва Яратган марҳаматидан умидвор бўлиш руҳи сингдирилганини кўрасиз. Қуйидаги байт фикримизнинг бир далилидир:

Кел, эй кўнгил, бу кун сен ҳиммат эт, мулки фанодин кеч,

Фано филлоҳ агар мақсад эса, сен мосиводин кеч.

Мулла Йўлдошхўжа қатағон даврида Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) қамоқхонасида 39 кун ушлаб турилиб, турли сўров ва қийноқларга дучор

бўлади ва айблов учун етарли далил-ашё йўқлиги сабабли кўп ўтмай озод қилинади.

1943 йилдан 1955 йилга қадар Наманган шаҳридаги «Жаз» ва «Шодибек» масжидларида имомлик қилади. Бу даврда унинг фикҳ, тафсир ва араб тили борасидаги билимдонлиги бутун водий бўйлаб тарқалади. Замонасининг етук уламоларидан Мулла Абдулғофур домла, Мулла Иброҳим Махдум, Мулла Абдусаттор Охун ва Мулла Жўра охундлар билан ҳамкорликда ишлайди ва улар билан устоз-шогирд ришталарини боғлайди.

Хуллас, Мулла Йўлдошхўжа Доғий 1974 йил табаррук 96 ёшда вафот этади. У зот Наманган шаҳридаги «Мавлавий» қабристонига дафн этилган.

У кишидан бизга икки баёз ва мўъжазгина кутубхона қолган. Кутубхонада Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё» ва «Мантиқут-тайр» асарлари, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон»и, Ҳофизнинг «Ғазалиёт»и, Жомийнинг «Куллиёт»и, Бедилнинг «Чор унсур»и, Навоийнинг «Хамса»си, Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-маънавий»и, Ғаззолийнинг «Кимёи саодат»и, Фузулийнинг қўлёзма асарлари, «Анвори Сухайлий» ва бошқа кўплаб нодир китоблар сақланиб келинмоқда. Унинг шеърлари 2006 йили «Дилим изҳор айлайин дерман» номли тўпламда нашр этилди.

Эй, ўғил, айтай сенга, олсанг бу панд,

Коминги қилгай ширин доим бу панд.

Бос қадам сен тўғри йўлга туну кун

Сенга ҳам иқбол бўлгай раҳманун.

Ким ҳасад этса биров амволига,

Вой охир ул ҳусуд аҳволига.

Бурма ёлғон сўзга тилни зинҳор,

Бўлмагай ёлғончиларда эътибор.

Беадабдин, эй ўғил, қилма таниш,

Гар таниш қилган эсанг, лозим тониш.

Мулла Йўлдошхўжа Доғий Бадал эшон қизлари Шарофатхон ойим билан турмуш қуриб, улардан 3 қиз, 4 ўғил фарзанд кўради.

Фарзандлари Робияхон (1918-1953), Мелихон (1936-1939) ва Мунаввархон (Меҳрихон) (1939-2006) пошшалар ва Ҳомидхўжа (1921-1980), Қосимхўжа (1924-1943), Ҳошимхўжа (1929) ва Умархўжа (1932-1984) тақсирлардир.

Ҳозирги кунда ҳазрат Доғийнинг ўғиллари, невара-чеваралари зиёли, элу юрт ардоғидаги кишилар бўлиб, юртимиз, динимиз ривожига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшиб келишмоқда[1].

Аллоҳ таоло бу зотни ўз раҳмати ила сийласин!

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов

[1] Мулла Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли Доғий. Дилим изҳор айлайн дерман. — Т.: Мовароуннаҳр, 2006. Б.5-8.